
БЕШАРИҚ ТУМАНИНИНГ ТОЖИКИСТОН БИЛАН ЧЕГАРАСИДА ЭРКИН САВДО ЗОНАСИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ИШЛАР ЖАДАЛ БОРМОҚДА

Бешариқ туманида Тожикистон билан чегарадаги “Андархон” назорат-ўтказиш пункти ёнидаги майдонда “Қўқон” эркин иқтисодий зонасига боғлиқ эркин савдо зонаси ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ҳар икки мамлакатдан эркин кириш ва чиқиш имконияти яратиладиган мазкур зона минтақавий улгуржи ва чакана савдони ривожлантириш учун катта имконият яратиши кўзда тутилган.

Умумий майдони 5 гектардан зиёд ҳудудда таклиф қилинаётган савдо мажмуаси лойиҳаси 2-3 қават ва ер ости қисмидан ташкил топиши режалаштирилган.

Вилоят ҳокими лойиҳани белгиланган тартибда, жадал суратларда амалга оширилиши юзасидан мутасаддиларга кўрсатма ва тавсиялар берди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-01-23 16:29:11